ROSA CANINA L. (НАМАТАК-ЩПОВНИК) КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИ

Холмуродов Ўктам Эркинович
Тошкент давлат аграр университети мустақил тадқиқотчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.15198766

Аннотация. *Мақолада наматак ўсимлигида учрайдиган касалликлар, уларни қўзғатувчи замбуруғлар ва касалликлар бўйича маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Наматак, замбуруғ қузғатадиган, барг, занг, фузариоз, ун-шундринг, кулранг чириш, касаллик, доглар, поя, куртак, митселий, зарарланган.*

Аннотация. *В статье приведены сведения о болезнях растений-нематод, грибах и болезнях, их вызывающих.*

Ключевые слова: *Мучнистая роса, грибок, лист, ржавчина, фузариоз, серая гниль, болезнь, пятна, стебель, почка, мицелий, зараженный.*

Abstract. *The article provides information on the diseases of the nematode plant, the fungi and diseases that cause them.*

Keywords: *Powdery mildew, fungal, leaf, rust, fusarium, powdery mildew, gray rot, disease, spots, stem, bud, mycelium, infected.*

Сўнги йилларда мамлакатимизда тоғ ва тоғ олди ҳудудларда бўш турган далаларга доривор ўсимликларини етиштириш ва формацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шулар қаторида Rosa canina (Наъматак (щиповник)) ўсимлигини етиштириш, формацевтик корхоналар томонидан уни қайта ишлаш, қадоқлаш, импорт, экспорт товарлар ишлаб чиқиш ва жаҳон бозорига ўз маҳсулотларимизни қўйиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига мақсад ва вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда Rosa canina (Наъматак (щиповник)) ўсимлиги ва жами 520,8 га майдонга етиштириш белгилангиб, шундан 42 га майдон Тошкент вилоятига тўғри келади.

Rosa canina (Наъматак (щиповник)) ўсимлиги тоғдаги дарё ва сойларнинг қирғоқларида, боғларда, ёнғоқзор ва арчазорларда, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг қуйи ва ўрта тоғ тизмаларида учрайди.

Наъматак меваларини териш одатда август ойининг охирларидан бошланиб, то совуқ тушгунга қадар давом этади. Наъматак мевалари қуритгичларда ва рус ўчоқларида 80-90^{0}С ҳароратда қуритилади. Уларни яхши шамоллатиладиган томларда юпқа қилиб ёйилган ҳолда ва тез тез айлантириб турилган ҳолда ҳам қуритиш мумкин.

Наъматак мевалари асосан холосас препаратини ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Холосас – жигар хасталиклари: холесистит ва гепатитларда ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Меваларидан шунингдек, “каротолин” олиниб, у яралар, экземалар, эритродермия касалликларини даволашда сиртга ишлатилади. Наъматак уруғларидан олинган “ёғ” сиртга ётоқ яралари, тери дерматоз касалликларида, тизза яраларида фойдаланилади, ундан ташқари ярали колитни даволашда клизма кўринишида ишлатилади.





1-расм. Роса санина (Наъматак (щиповник))

Наъматакнинг занг касаллиги

Наъматакнинг занг касаллигини Uredinales тартибига кирувчи *Phragmidium mucronatum* (Fr) Schlecht замбуруғи қўзғатади (Bazidiomitset sinfi). Бу касалликни қўзғатувчи бир хўжайинли бўлиб, ривожланиш цикли тўлиқ.

Занг касаллигини зарари буталарнинг умумий заифлашишига, ғунчаларни нобуд бўлишига, баргларни эрта тўкилишига, пояларни қуриши ва шаклини ўзгаришига, совуққа чидамлилигини йўқолишига олиб келади.

Касаллик билан барглар, поя, куртаклар, шохлар, ёш мевалар зарарланади. Касалликларнинг намоён бўлиш белгилари зарарланган органларга боғлиқ. Касалликни биринчи белгилари ёш пояларда, барг бандларида гулкуртакларида намоён бўлади. Гул куртакларида сариқ-қизғиш рангли доғлар мавжуд. Доғларда кўпинча майда қорамтир нуқтачалар хосил бўлади, улардан томчи суюқ моддалар ажралиб чиқади. Кейинчалик бу жойлар ёрилиб уларнинг ўрнига катта, сариқ-қизғиш тусли формаларга эга бўлган спермогонийда спермалар ҳосил бўлади. Пояларда шикастланиш катталашган сари яралар пайдо бўлади ва поянинг заифлашишига ва қуришига олиб келади. Наъматакда эсиялар меваларда ҳам ривожланади. Дарахт танаси ва пояларида кўп йиллик яралар ҳосил қилади. Гуллаш даврини охирида куз ойининг бошларида, баргнинг пастки қисмида кўпгина қизғиш тусли урединопустулалар ҳосил бўлади. Баргларнинг устки қисмида эса сарғиш доғлар пайдо бўлади. Бу доғлар баргларни ялпи тўкилишига, буталарни заифлашишига, вегетатсия даврини чўзилишига олиб келади. Ёзнинг охирида урединопустулалар қорамтир тўплам ҳосил қилиб, телиопустулда қишлайди.

Замбуруғ рангсиз 4 хужайрали базидия ва қорамтир сперматсия ҳосил қилади. Эсияспоралар полиедр ёки эллипсоидал шаклли, бир ҳужайрали, юпқа деворли, майда нуқталар билан қопланган. Улар занжир ҳосил қилади ва сариқ-қизғиш рангга эга. Урединиоспоралар сарғиш тусга эга бўлиб, тухумсимон, майда, юпқа деворли, майда ҳолчалар билан қопланган. Вегетатсия даврида эсиоспора ва урединиоспоралар билан тарқалади. Патоген ўсимлик қолдиқларида телиоспоралар шаклида қишлайди.

1   2

40-расм.Наъматакнинг занг (1) ва ун-шудринг (2) касаллиги белгилари

Наъматакнинг ун-шудринг касаллиги

Ун-шудринг касаллигини *Sphaerotheca pannosa alchemilla* (Grew) L. Junell (Askomitsetlar sinfi, Erizifales тартиби) замбуруғи келтириб чиқаради.

Касаллик кенг тарқалган, зарарли бўлиб, ўсимликни ёғ ишлаб чиқишининг камайишига, ўсимлик заифлашишига ва ҳалок бўлишига олиб келади. Ўсимликни барча ер устки қисми зарарланади, ёшбаргларда, пояда, куртакларида, тиканларида оқ ғуборлар пайдо бўлади. Улар кейинчалик қўнғир ва кулранг тусга киради. Барглари шаклини ўзгартиради ва тўкилиб тушади.

Новдалар қийшаяди. Кучли касалланган буталар ривожланишдан ва ўсишдан тўхтайди. Ғубор ўзида митселий ва замбуруғларнинг конидия ва конидиофорасини ҳосил қилади ва улар вегетатсия даврида юқумли касалликларни пайдо қилади. Куз ойларида митселийда ёпиқ мева таналар клейстотесия шаклланади. Улар майда қора нуқтачалар кўринишида бўлади. Патоген вегетатсия даврида конидия билан тарқалади. Замбуруғ дарахт пўстлоғини дарс кетган жойида митселий шаклида қишлайди. Ўсимлик қолдиғидаги клейстотесиялар инфекция манбайи ҳисобланади.

Наъматакнинг кул ранг чириш касаллиги

Кул ранг чириш касаллигини *Botrytis cinerea Pers* (Deytromitsetlar sinfi, Gifomitsetales тартиби) замбуруғи келтириб чиқаради. Касаллик ҳамма жойда тарқалган, кўпинча совуқ ва нам шароитларда учрайди. Касаллик билан ўсимликни ғунча ва гуллари, поя, мева ва барглари шикастланади. Зарарланган тўқималар жигар рангга айланади, чирийди нам шароитда кул ранг моғор билан қопланади. Яшил новдалар тўлиқ қурийди. Зарарланган ғунчалар очилмайди ёки бир томонлама очилади.

Гулбаргларида майда қўнғир доғлар ва яралар ҳосил бўлади. Вегетатсия даврида барглар сарғаяди ва тўкилади. Уруғлар ва шохларини кучли зарарланиши натижасида буталар нобуд бўлади. Касаллик ёш ўсимликлар учун хавфлидир. Вегетатсия даврида патоген конидиялар билан тарқалади, ўсимлик қолдиқларида, тупроқни юза қисмида митселий ва склеротсиялар холида қишлайди. Касалликни ривожланиши учун юқори намлик, зич экилган кўчатлар, калий ва фосфорни етишмаслиги сабаб бўлади.

Наъматакни фузариоз сўлиш касаллиги

Касалликни *Fusarium oxysporum Schl*. Gifomitsetales тартибига кирувчи замбуруғ қўзғатади. Зарарланган ўсимлик шохларининг учки қисми эгилади барглар сарғаяди ва тўкилади. Кейинчалик шохлари қўнғирлашади ва бутунлай қурийди. Ёш ўсимликлар бир йил ичида, катта ёшдаги ўсимликлар 2-3 йилда нобуд бўлади.

Замбуруғ ўзини биомассаси билан томирларни ўтказувчанлигини ёпиб қўяди ва уларни заҳарлайди (метоболизм). Илдизининг энли қисмида томирларнинг қорайиши кузатилади. Юқори нам ҳавода шикастланган қисмида кул ранг кирсимон (вертитсиллез) ёки оқиш-пушти (фузариоз) пўпанак пайдо бўлади. Инфекцион манбаларига тупроқ, ўсимлик қолдиқлари, кўчатлар, экиш материаллари киради ва уларда митселий кўринишида сақланади.

Наъматак касалликларига қарши кураш чоралари:

Агротехник тадбирларга қатъий амал қилинганда навли наъматаклар экилганидан кейинги иккинчи йили мевага киради. Кўчатлар 2-3 йил ва ундан кейинги йилларда қийғос мевага киради. Наъматакзорда агротехник тадбирларни ўтказишда қалин қўлқоп кийиш зарур бўлади. Унга ишлов беришда ва улардан фойдаланишда махсус кўникма ва билимга эга бўлган мутахассислар шуғулланиши керак.

Наъматак экилган ерларга гектар ҳисобига 110 кг азот, 80 кг фосфор ва 60 кг калий ўғити берилади. Ўғитлар суғоришдан олдин берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Наъматак поялари 5 йилгача ўсиб туради, кейин улар янги ўсиб чиққан новдалар билан алмашинади. Эски новдалари вақти-вақти билан қирқиб олиб ташланади. Ҳар 6-7 йилда наъматакнинг барча ер устки новдалари олиб ташланиб, ёшартирилган наъматакзор бир йилдан кейин гуллайди ва мевага киради.

Наъматакнинг ун шудринг касаллигига қарши курашиш учун ўсимлик олтингугурт кукуни билан севен қоришмаси воситасида ишлов берилади. Ҳар гектар ерга 20-30 кг олтингугурт ва 1-2,4 кг севен солинади.

Шунингдек, наматакнинг замбуруғли касалликларига Топсин-М, Скор (Score), Байлетон, Ридоми голд каби препаратлардан қўллаш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Холмурадов ва бошқалар «Фитопатология». Тошкент 2020 йил.
2. Холмурадов ва бошқалар «Қишлоқ хужалиги фитопатологияси». Тошкент 2014 йил.
3. Хохряков М.К. и др – Определитель болезней сельскохозяйственных культур - М. Колос, 1984.
4. Лавренов В.К., Лавренова Г.В.-Современная энциклопедия лекарственных растений. Изд. Дом. “Нева” Санкт-Петербург. М., 2006.
5. Прутенская М.Д. Атлас болезней цветочно-декоративных растений. Киев. Наукова Думка. 1982.
6. Муравьева Д.А. Лекарственные растения Кавказа. - Монография. - Краснодар, 1979. - 375с.
7. http://www.activestudy.info/muchnistaya-rosa-smorodiny
8. https://floristics.info/ru/stati/ogorod/2637-topinambur